

АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА БИЛВОСИТА ХАРАЖАТЛАРНИ ДРАЙВЕРЛАРИ (ТАҚСИМЛАШ БАЗАСИ) ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Б.Махсудов, Э.Шодиев

Аннотация. Мақолада алоқа корхоналарида билвосита харажатларни драйверлари (тақсимлаш базаси) тизимини ишлаб чиқиш масалалари ўрганилган. Жумладан, алоқа корхоналарида фаолият турлари бўйича билвосита харажатларни драйверлари (тақсимлаш базаси) тизимини ишлаб чиқиш масалалари билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ масалалари тадқиқ этилган.

Таянч тушунчалар: алоқа корхоналарида билвосита харажатлар, харажатларни драйверлари, хизматлар таннари, бизнес жараёнлар.

Аннотация. В статье исследуется разработка системы драйверов (базы распределения) косвенных затрат в компаниях связи. В частности, были изучены проблемы, связанные с разработкой системы драйверов (базы распределения) косвенных затрат по видам деятельности в телекоммуникационных компаниях и вопросы, связанные с их решением.

Ключевые понятия: косвенные затраты в телекоммуникационных компаниях, драйверы затрат, стоимость услуг, бизнес-процессы.

Annotation. The article examines the development of a system of drivers (distribution base) of indirect costs in communication companies. In particular, the problems associated with the development of a system of drivers (distribution base) of indirect costs by type of activity in telecommunications companies and issues related to their solution were studied.

Key words: *indirect costs in telecommunications companies, cost drivers, cost of services, business processes.*

Кириш

Телекоммуникация ва ахборот технологияларининг ўзаро уйғунлашиши умуман иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир қилувчи хусусиятга эга бўлиб, мамлакатда рақамли ва электрон хизматларнинг кенг тарқалишига ёрдам беради.

Президентимиз таъкидлаганларидек: Хизматлар иқтисодиётнинг муҳим қисми. Дунёда сервис соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 61 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда бу кўрсаткич 36 фоиздир. Лекин 86 фоиз қўшилган қиймат шу соҳада яратилади. [5]

Шу билан бирга, республикада алоқа корхоналарида билвосита харажатларни драйверлари (тақсимлаш базаси) тизимини ишлаб чиқиш масалалари этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жумладан, Президентимиз томонидан ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштиришга оид Фармон ва Қарорлар (ПФ-5953, ПҚ-4611) имзоланди.

Жумладан, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этиш;

худудларда ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун тегишли олий таълим муассасалари бириктирилади ҳамда уларнинг 12 минг нафар ходими ахборот технологиялари соҳасида ўқитиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. [1]

Шунингдек, миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида телекоммуникация инфратузилмаси ва мобил алоқа тармоқларини тизимли ислоҳ этишда жаҳон тажрибасида синовдан ўтган бошқарув ҳисоби усуллари амалиётга татбиқ этиш долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Билвосита харажатлар – бир неча хил маҳсулотни тайёрлаш билан боғлиқ (кувват, сув, буғ ва ҳоказолар сарфи), шунинг учун улар мазкур маҳсулот турлари ўртасида тақсимотнинг аниқ базаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи компанияларда эгри харажатлар мижозларга тақдим этилаётган хизматлар тўлиқ таннархида салмоқли улушни ташкил этади.

Шу боис, алоқа хизматлар таннаrxини Activity Based Costing (ABC) усулини жараёнлар бўйича қўллаш ишончли (аниқ) усул бўлиб ҳисобланади. Мазкур усул харажатларни функционал фаолият (жараёнлар) турлари бўйича харажатларни ҳисобга олиш имконини беради.

ABC усулини анъанавий (тўлиқ харажатлар) усулидан фарқли жиҳатлари:

анъанавий (тўлиқ харажатлар) усулида хизматлар ресурс, яъни маблағлар харажати талаб қилади;

ABC усулида хизматлар аниқ жараёнлар (операциялар)ни амалга ошириш натижасида шаклланади, жараёнлар эса маблағлар харажати талаб қилади;

ABC усули харажатлар ҳисобини алоҳида юритишга асосланган: харажатлар ҳисоби функционал фаолиятни амалга оширишга сарфланган ресурсларда ҳисобга олинади ва ушбу жараёнларни келиб чиқиши омиллари,

манбалари (драйверлари) ҳисобланган тақсимлаш базаларига асосан хизматлар таннархига олиб борилади.

О.Б.Вахрушева, Е.А. Гибельневаларнинг илмий изланишларида телекоммуникация компанияларида ABC-тизимини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган. [3]

Л.А. Сафонова илмий тадқиқотларида телекоммуникация компанияларида харажатларни алоҳида ҳисобини юритиш масалаларини тадқиқ этган. [4]

М.В. Примакова илмий тадқиқотларида алоқа корхоналарида билвосита харажатларни драйверлари (тақсимлаш базаси) тизимини ишлаб чиқиш масалаларини тадқиқ этган. [5]

Ганалик тадқиқотчилар Joseph Mbawuni, Anderson Ronald Anertey илмий тадқиқотларида алоқа корхоналарида билвосита харажатларни драйверларини аниқлаш усулларини тадқиқ этишган. [7]

Maria Joao Major телекоммуникация секторида Activity-Based Costing усулини татбиқ этишда билвосита харажатларни фаолият турлари бўйича тақсимлашда мазкур харажатлар драйверлари, яъни ушбу харажатларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш олиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтган. [8]

ABC моделида харажатларни уларни хизматлар таннархига олиб бориш белгилари бўйича таснифлашдан фойдаланилади: тўғри, шубҳасиз харажатлар; тақсимлашни талаб этувчи билвосита (эгри) харажатлар.

ABC моделида харажатларни тақсимлаш икки босқичда амалга оширилади :

1.Хизмат кўрсатиш процесслар (бизнес-процесслар) бўйича харажатларни тақсимлаш.

2. Алоқа хизматлари бўйича хизмат кўрсатиш харажатларини тақсимлаш.

Харажатлар драйвери - бу харажатларни ресурслар нархига ўтказиладиган мутаносиб параметр ҳисобланади. Масалан, ижара ҳақи харажатлари аниқ ходимларга(меҳнат ресурсларига) улар эгаллаган майдонга мутаносиб равишда тақсимланади.

Телекоммуникация компанияларида хизматларнинг нарhini аниқлашда бевосита ва билвосита харажатларни гуруҳлаш қуйидаги сабабларга кўра мураккаб кечади:

1) моддий харажатлар таркибида ҳам ашё учун харажатлар бўлмайди, чунки кўрсатилган хизматлар ва сарфланадиган материаллар номоддий ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган асосий материаллар: кабеллар, алоқа тармоғининг элементларини таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар. Шу билан бирга, ишлатилган кабелнинг мақсадига қараб, унинг қиймати жорий харажатларда ҳам, капитал қўйилмаларда ҳам акс эттирилиши мумкин.

Телекоммуникация хизматларини тақдим этишнинг технологик жараёни абонентга бир вақтнинг ўзида бир нечта хизмат турларидан (шаҳарлараро уланиш, Интернетга уланиш ва интерфаол телевидение) орқали фойдаланиш имкониятини беради. Бундай ҳолда алоқа тармоғининг бир нечта элементлари жалб қилинади, бу эса фойдаланиш харажатларини (хусусан, алоқа линиясини таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар) тўғридан-тўғри харажатлар сифатида таснифлашни имконсиз қилиб қўяди;

2) меҳнат харажатлари таркибида асосий ишлаб чиқариш ишчиларига техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ўта муҳим ҳисобланади, ушбу тўловлар станция ускуналари ва чизикли иншоотларни яхши ҳолатда сақлаш билан боғлиқ қатор ишларни ўз ичига олади. Бундай харажатларни тўғридан-тўғри таснифлаш мураккаб ҳисобланади.

Телекоммуникация компанияларида бухгалтерия ҳисоби амалиётида харажатларни ҳисобга олиш жараёнларни ўтказиш усули билан амалга

оширилади, бу эса харажатларни таснифлашнинг юқоридаги муаммоларини қисман ҳал қилади.

Таҳлилий ҳисобни ташкил қилиш учун харажатлар тўғрисидаги маълумотлар технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг хусусиятларига мувофиқ харажат моддалари бўйича гуруҳланган. Ушбу ҳужжат телекоммуникация компанияларининг бошқарув ҳисобини юритиш мақсадлари учун таҳлил кодларини тайинлаш билан харажатларини таснифлашни умумлаштиради.

Шу билан бирга, харажатларнинг еттига гуруҳи аниқланди.

1. Моддий харажатлар.
2. Учинчи томон хизматлари
3. Ходимларнинг харажатлари.
4. Амортизация.
5. Нархга киритилган солиқ ва йиғимлар.
6. Бошқа харажатлар.

7. Фуқаро муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларга жавоб қайтариш харажатлари.

Тақдим этилган харажатларнинг асосий хусусиятларига кўра таснифи стратегик мақсад ва вазифаларни белгилашда қайта кўриб чиқилиши мумкин бўлган жорий фаолиятни бошқариш ҳисобини ташкил қилиш учун аниқланган. Бу қисқа ва узоқ муддатда харажатларнинг турлича бўлишига боғлиқ.

Харажатлар таркибида фақат телекоммуникация компанияларига тегишли бўлган моддаларга эътибор қаратиш лозим, масалан:

- радиочастоталардан фойдаланганлик учун тўлов;
 - рақамлаш манбасини ажратганлик учун йиғим;
 - биллинг тизимини сотиб олиш ва ишлатиш билан боғлиқ харажатлар;
- Универсал хизмат кўрсатиш захирасига мажбурий бадаллар;

- уланиш ва трафик узатиш хизматлари учун тўланадиган харажатлар.

Бундан ташқари, уларнинг иқтисодий таркиби харажатларни бошқарув ҳисобида акс эттиришда баъзи муаммоларига олиб келади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг алоқа корхоналарида билвосита харажатларни драйверлари (тақсимлаш базаси) тизимини ишлаб чиқиш масалалари билан боғлиқ тизимли муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган тадқиқотлари, соҳани тартибга солувчи қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш асосида пандемия ва унинг хизматлар соҳасига таъсири, муаммолар ва уларнинг ечимларига қаратилган хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Бугунги глобал пандемия шароитида хизматлар соҳасида экспоненциаль ўсиш жараёни кузатилмоқда. Телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Мазкур режага асосан, жорий йил бошидан бугунги кунгача интернет тармоғида кенг полосали уланиш тармоқларини кенгайтириш мақсадида 340 минг кенг полосали абонент портга яқин телекоммуникация қурилмалари келтирилди, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини кенгайтириш мақсадида 40 та сервер қурилмаси ва 5 комплект маълумотларни сақлаш қурилмалари ўрнатилиб, ишга туширилди, 106 та объектда 291 та база станциялари қурилиб ишга туширилди. Мавжуд 1483 та объектлар 3G/4G стандартига модернизация қилинди, 5 минг км. оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. [1]

**Канада давлатининг Германия, Австрия ва Франция давлатларига
 нисбатан харажат омиллари (драйверлари)нинг жами харажатлар
 фаркига таъсири таҳлили**

Харажатлар омиллари (драйверлари)/ Cost drivers	CH/GER	CH/AUT	CH/FR	CH/IT
Ionlashtirmaydigan nurlanishni tartibga solish/ Regulation of non-ionizing radiation (NIR)	30.1%	34.5%	31.5%	24.9%
Chegaralar/ Borders	20.7%	18.5%	22.1%	21.1%
Toғлар/ Mountains	14.1%	0.9%	13.6%	10.8%
Ijara xarajatlari/ Rental costs	11.1%	14.7%	11.0%	11.0%
/Labour costs & civil works	8.8%	10.6%	6.3%	12.9%
/Coverage of railways	6.8%	7.9%	2.2%	13.3%
/Energy costs	4.8%	5.5%	6.7%	2.9%
/Capacity for rural areas	2.1%	6.4%	4.9%	2.0%
/Coverage of tunnels	1.5%	1.0%	1.7%	1.1%

Мазкур жадвалда ривожланган давлатларда телекоммуникация соҳасида харажатлар омиллари (драйверлари)нинг таснифланиши ва қиёсий таҳлили келтирилган.

Хулоса ва таклифлар

Алоқа корхоналарида билвосита харажатларни драйверлари (тақсимлаш базаси) тизимини ишлаб чиқиш масалаларини амалдаги ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириб ўтишимиз мумкин:

1. Телекоммуникация компанияларининг ўрни улар томонидан тақдим этиладиган хизматлар сифатини таъминланиши ва таннархини арзонлаштирилиши жиҳатидан ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда бизнес жараёнлар, бизнес-моделлар, фаолият турлари бўйича билвосита харажатларни драйверлари (тақсимлаш базаси) тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарур. Бу бевосита телекоммуникациялар фаолияти самарадорлигини ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

2. Алоқа корхоналарида билвосита харажатларни драйверлари (тақсимлаш базаси) тизимини ишлаб чиқиш алоқа корхоналарида ABC (Activity-Based Costing) тизимини қўллаган ҳолда ҳар бир алоқа хизмати тури бўйича харажатларни алоҳида аниқ ҳисоблаб, ҳақиқатдаги ва режа таннархини ҳисоблаш имконини беради. Натижада телекоммуникация хизматлари корхоналарида харажатларни пасайиши, эгилувчан нархни шаклланиши, оптимал хизматлар тўпламини шакллантириш ва умуман олганда телекоммуникация хизматлари бозоридаги рақобатбардошлилигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги Фармони. (Давлат дастурининг 147-банди).

[3] Вахрушева О.Б., Гибельнева Е.А. Вопросы практического применения ABC-системы в телекоммуникационных компаниях // Международный бухгалтерский учет. 2015. №5

[4] Сафонова, Л.А. Раздельный учет затрат в телекоммуникациях : учеб. пособие для вузов / Л.А. Сафонова, Н.Ю. Плотникова, Е.И. Зуева. – М. : Горячая линия – Телеком, 2007. – 192 с.

[5] М.В. Примакова. Разработка системы драйверов (баз распределения) косвенных затрат в организациях связи. Вестник полоцкого государственного университета. Серия D Экономические и юридические науки. Бухгалтерский учет № 13.

[6] Хизматлар соҳасини ривожлантириш келгуси йилги устувор йўналиш этиб белгиланди. <https://president.uz/uz/lists/view/3971>.

[7] Joseph Mbawuni, Anderson Ronald Anertey. Exploring Management Accounting Practices in Emerging Telecommunication Market in Ghana. Accounting and Finance Research · October 2014 DOI: 10.5430/afr.v3n4p71

[8] Maria Joao Major. Implementing Activity-Based Costing in the Telecommunications Sector: A Case Study. Journal of Telecommunications System & Management. 2014, 3:1 DOI: 10.4172/2167-0919.1000111.